

2009-6-сон

Суд томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2008 йил 14 мартдаги қарорига кўра, Л. 2008 йил 5 февраль куни Йўл ҳаракати қонунининг 15.1 - банди талабини бузганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси 1-қисми билан 9315 сўм жарима жазосига тортилган.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2008 йил 28 мартдаги қарори, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди судьясининг 2008 йил 22 майдаги қарори, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри судининг 2009 йил 24 февралдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 309-моддаси 2-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорда қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахсининг) номи, иш кўриб чиқилган сана, иши кўриб чиқиладиган шахс хусусидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 22-сонли қарорининг 20-бандида қарорнинг тавсиф қисмида қандай ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақти, жойи, жавобгарликка тортилаётган шахсининг айбдорлиги ёки

айбсизлиги ҳақидаги далиллар, маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган меъёрий ҳужжатлар кўрсатилиши қайд этилган.

Бироқ суд ушбу қонун ва Пленум қарори талабига амал қилмаган.

Биринчи инстанция судининг Л.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик иши юзасидан чиқарган қарорида ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар тўлиқ ёритилмаган, «Л. томонидан йўл ҳаракати қондаси бузилган» деган хулосага келинган бўлса-да, қарорнинг тавсиф қисмида қандай ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги кўрсатилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддаси биринчи қисмида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Суд мазкур қонун талабига ҳам амал қилмаган.

Суд мажлиси баённомаси ўзбек тилида юритилиб, қабул қилинган қарорнинг матни ўзбек тилида чиқарилган бир ҳолатда, Л.ни суд мажлисида таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминлаш чораси кўрилмаган.

Кассация ва назорат инстанцияси судлари ҳам ишни шикоят асосида кўришда қайд қилинган камчиликларни бартараф этмаганлар.

Шу сабабли Олий суд томонидан 2009 йил 13 августда Л.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, маъмурий иш қайтадан судда кўриш учун юборилди.

Назорат иши ЖСХ-184-09

